

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2021 йил май ойининг 4 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар туман суди, Тошкент шаҳар туман ҳудудида жойлашган “” маҳалла фуқаролар йиғини биносидан, очиқ сайёр суд мажлисида,

раислик қилувчи: судья ,

судья ёрдамчиси нинг котиблигида, томонлардан Тошкент шаҳар туман прокурорининг ёрдамчиси , гумонланувчи Х.А.А. ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган адвокат Т.Ф. ва жабрланувчи Э.Ш.М.нинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қимсида кўрсатилган жиноятни содир қилганликда гумон қилинган:

0000 куни вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, беш нафар вояга етмаган фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, вилояти, шаҳри, кўчаси, -уйда истиқомат қилувчи **Х.А.А. (Х.А.А.)**га

нисбатан тўпланган 0000-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Х.А.А. 2021 йил 15 март куни соат 12:00ларда фирибгарлик, яъни алдаш ёки ишончли суиистемол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани кўлга киритиш мақсадида, Тошкент шаҳар тумани, -мавзесида жойлашган “Банк”нинг олди томонида бўла туриб, фуқаро Э.Ш.М.дан жами 800 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни 8.424.000 сўмга айирбошлашини айтиб, банк ташқарисига чиқиб, Э.Ш.М.га жами бўлиб 5.724.000 сўм миқдоридаги пулларни бериб, қолган 2.700.000 сўм миқдоридаги пулларни бермасдан воқеа жойидан яширинган.

Суд мажлисида гумон қилинувчи Х.А.А. ва жабрланувчи Э.Ш.М. ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашган.

Айбланувчи Х.А.А. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризаси билан мурожаат қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқроп эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Э.Ш.М. суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризаси билан мурожаат қилиб, Х.А.А.га нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, жабрланувчига етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 168-моддасининг 1-қимсида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган



зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, гумон қилинувчи Х.А.А. ва жабрланувчи Э.Ш.М.нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Тошкент шаҳар туман прокурорининг катта ёрдамчиси, химоячи Т.Ф.нинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, айбланувчи Х.А.А.нинг айбига ихтиёрий равишда иқрорлиги ва етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчининг қонуний вакилига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув гумон қилинувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қимсида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, Х.А.А.га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Э.Ш.М.га Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддасининг 1-қимси билан гумон қилинувчи **Х.А.А. (Х.А.А.)**га нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Жабрланувчи Э.Ш.М. мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

Аслига тўғри:

